



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 11 июль, № 134 (5808)

Пайшанба

## Муқобил энергия — тараққиёт хизматида

## хабарлар

Бугунги кунда наинки кундалик ҳаётимизни, балки иқтисодий тармоқлари ривожини ҳам энергетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ сўнгги йилларда электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёж шунчалик ошиб кетдики, уни таъминлаш учун дунё бўйича йилга 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг табиий ёқилғи сарфланаяпти.

### ФАРМОН ВА ИЖРО

Масаланинг нозик жиҳати шундаки, нефть, табиий газ, кўмир ва уран каби асосий энергия манбалари захираси ниҳоятда чекланган. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда ушбу ресурслардан шундай суръатда фойдаланилса, айталик, нефть захиралари 45-50, табиий газ эса 70-75 йилга етар экан, холос.

Бу инсоният олдига табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни иқтисод қилиш вазифини қўймоқда. Шу боис тараққиёт элган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтилмоқда. Дастлабки натижалар эса у барқарор ривожланиш ва иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омил эканлигидан далолат бераётди.

Дарҳақиқат, муқобил энергия манбалари арзонлиги, тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги, энг асосийси, доимо барқарорлиги билан ажралиб туради. Унинг қуёш, шамол, денгиз тўқинлари, ер қаърининг геотермал, биомасса каби кўплаб турлари мавжуд. Ўзбекистонда, табиий-географик жойлашуви



кўра, айниқса, қуёш энергияси энг истиқболли ҳисобланади. Соҳа мутахассисларининг таҳлилдани келиб чиқиб, юртимизда ҳар бир квадрат метрни қамраб оладиган йиллик қуёш энергияси 200 килограмм шартли ёқилғи, 136 кубометр табиий газ, 186 кВт/с электр

энергиясига тенглигини ҳисобга олсак, унинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англаб олиш қийин эмас.

Президентимизнинг шу йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида таъ-

кидланганидек, республика-мизда мазкур соҳада илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш бўйича салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир неча йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Натижада фотоэлектрик қурилмалар иш-

лаб чиқариш ривожланиб, қуёшдан электр энергияси олишда муайян ютуқлар қўлга киритилаяпти. Бунга пойтахт-мидаги "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти фаолияти яққол мисолдир.

(Давоми 2-бетда.)

## Назария ва амалиёт уйғунлиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги: илмий-назарий асослар ва халқаро тажриба" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

### ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Президентимиз Фармойишига мувофиқ, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент амалга ошириляётганига ҳам уч ой бўлди. Тадбирда қатнашган ҳуқуқий экспериментни ўтказувчи Ишчи комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, миллий ҳамда хорижий экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари синовнинг дастлабки натижаларини муҳокама қилишди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси

раиси А. Саидов ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш назарияси ва унинг Олий Мажлис қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришдаги аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, мазкур усул ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётлигини таъминлаш юзасидан давлат қурилишининг ҳақиқий амалиётига ўзининг боғлиқ бўлган илмий-асосланган тавсиялар олиш имкониятини беришини айтиб ўтди. Шу билан бирга, у миллий қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришга кўмаклашди. Ўта долзарб "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича иккита вилоятда ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда.)

### ТАРАДДУД

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда.

## Энг улуғ, Энг азиз

Хусусан, шаҳару қишлоқларни ободонлаштириш, янги бино ва иншоотлар, кўркам боғу хиёбонлар бунёд этиш юмушлари авжида. Жойларда бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирларда истиқлолнинг улуғ неъмат эканлиги, мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан амалга ошириляётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиляпти. Бунда Президентимизнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ижтимоий лойиҳалар самарадорлиги ошмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қарори билан Олий Мажлис ҳузуринда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилганига беш йил тўлди. Бу мамлакатимиз фуқаролик жамиятини ривожлантириш тарихида муҳим аҳамиятга эга.

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Ўтган қисқа фурсат ичида Фонд ва комиссиянинг изчил фаолияти натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу билан бирга, Жамоат фонди томонидан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар миқдори ҳам ортиб бораётди. Хозир улар 6400 дан кўпроқни ташкил этади. Жамоат фонди ва Парламент комиссияси томонидан олиб бориляётган сазой-ҳаракатлар натижасида ННТ жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда давлат ҳокимияти ва халқни боғлаб турадиган мустақам ҳалқага айланмоқда. Ўтган йилнинг

ноябрь ойида бўлиб ўтган "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг миллий модели: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги халқаро конференцияда Германия, Жанубий Корея, Швейцария, Япония, АҚШ давлатларидан иштирок этган экспертлар, шунингдек, БМТД, ЕХХТ, ЮНИСЕФ вакиллари ва бошқалар томонидан Жамоат фонди фаолиятига юқори баҳо берилиб, эътироф этилди. Улар таъкидлаганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, шу жумладан, ННТ ва ОАВни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими яратилган. Бу илгор тажрибани ўрганишда бугун халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Пойтахтимизда Парламент комиссияси ва Жамоат фонди ташкил тоналлигининг беш йиллиги муносабати билан "Лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, грант маблағларини самарали ва мақсадли ишлатилишининг долзарб масалалари" мавзусида икки кунлик маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Парламент комиссияси, Жамоат фонди ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ф. Эберт жағфармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда республика ва ҳудудий ННТ, қатор вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

## Коллеж битирувчилари кичик бизнесга жалб этилмоқда

Шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун қиймати

БИР  
РАҚАМ  
ШАРҲИ

# 62,2

миллиард  
сўмлик  
кредитлар  
ажратилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар натижасида касб-хунар коллежларини тамомлаган кўплаб йигит-қизлар бизнес фаолиятини йўлга қўйиб, нафақат ўзининг, балки ўнлаб тенгдошларининг ҳам иш билан бандлигини таъминлаш имконига эришдилар.

Янгиликлар, воқеалар

■ "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган "Навоий полиэтилен қувурлари" шўба корхонасига Германия, Австрия ва Италиядан келтириб ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида диаметри 20 мм.дан 250 мм.гача бўлган сув ва канализация қувурлари ҳамда бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди.

## Модернизация давом этаяпти

Яқинда бу ерда навбатдаги лойиҳа амалга оширилгач, ишлаб чиқариш қувватлари янада орди. Бунинг учун корхона 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблаг эвазига илгор дастгоҳлар билан жиҳозланди.

— Ўтган йили корхонамизда қарийб 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаргандик, — дейди корхона раҳбари Фарход Одиллов. — Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Кашқадарё вилоятидаги юзта фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари олиб берилди. Ушбу эзгу ташаббус "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари маблағлари ҳисобидан рўйга чиқарилди.

## Маҳаллалар учун компьютерлар

— Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориляпти. — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Музаффар Туропов. — Хусусан, ҳадемай

яна 101 та фуқаролар йиғинини мебель жамланмалари билан таъминлаймиз. Йил охиригача эса вилоятимиздаги мавжуд 634 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинининг барчаси тўлиқ компьютер тўпланмаларига эга бўлади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Норин туманидаги "Nur textile" хусусий корхонасида модернизациялаш ишлари амалга оширилгач, бу ерда пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

## Янги маҳсулот ўзлаштирилди

Бу имконият корхонага Хитойдан "Дон-Сунг" русумли тўқув дастгоҳи олиб келиб ўрнатилиши билан юзага келди. Лойиҳа ижросини таъминлаш учун 36,1 миң АҚШ доллар миқдорига сармоа сарфланди. Эндиликда бу ерда йилга 70 миң жуфт пайпоқ тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда. Бошқа жиҳати, модернизациялаш натижасида вужудга келган 10 та қўшимча иш ўрнини қишлоқ ёшлари эгаллади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Бекобод туманида жорий йилнинг ўтган даврида яратилган 2000 га яқин иш ўринларининг асосий қисми ёшлар ҳисобига банд этилди.

## Ярмаркадан — меҳнат жамоаларига

Бу яқинда тумандаги педагогика касб-хунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ҳам ўз тасдиғини топди. Туман прокуратураси, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда ҳудуддаги 5 та ўрта-маҳсус касб-хунар таълими муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 34 та ҳужалик юртувчи субъект ўз тақлифлари билан қатнашди. Тадбирда намо-

ийш этилган кўргазмали-тарғибот воситалари орқали ёшлар иш берувчилар фаолияти, меҳнат муҳофазасига доир шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Ярмарка якунида 205 нафар битирувчи меҳнат жамоалари сафига қўшилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

Грант олиш учун танлов эълон қилади

**Танлов мавзуси:** «Шаҳарлар, маҳаллалар, кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш»

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини, самарали иштирокини таъминлаш;
- экотуризмни ривожлантириш;
- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;
- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан ўл ҳужалиги, деҳқон ҳўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фўдаланиш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;
- биохилма-хилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик ва бошқа метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмлари ривожлантириш;
- табиати муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат

ташкilotлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;
2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шаклини [funduz@parliament.gov.uz](mailto:funduz@parliament.gov.uz) электрон манзилига тақдим этиш;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкilot мўҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкilotларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори** — 15 млн. сўмгача.  
ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши қўллаб-қувватланади.  
Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб, 2013 йил 15 июль соат 18.00 гача қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

**Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат):**

100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

Грант олиш учун танлов эълон қилади

**Танлов мавзуси:** «Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкilotлари билан ҳамкорликда амалга ошириш».

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

- мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;
- ёшларнинг эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлири, касб-хўнар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- истеъдодли, қобилиятли ёшларнинг илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;
- ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст

«оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қузатув хати;
2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шаклини [funduz@parliament.gov.uz](mailto:funduz@parliament.gov.uz) электрон манзилига тақдим этиш;
4. Ташкilotнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкilot мўҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкilotларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори** — 15 млн. сўмгача.  
ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб, 2013 йил 15 июль соат 18.00 гача қабул қилинади.  
Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

**Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат):**  
100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI**

2013/2014-o'quv yili uchun

**BAKALAVRIATNING QUIYIDAGI YO'NALISHLARI:**

- Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili)
- Ona tili va adabiyoti (rus tili va adabiyoti o'zga tili guruhlarda)
- Filologiya va tillarni o'qitish:
- ingliz tili
- nemis tili
- fransuz tili
- ispan tili
- rus tili
- xitoy tili
- Tarjima nazariyasi va amaliyoti (tillar bo'yicha)
- Jurnalistika (faoliyat turlari bo'yicha)

**MAGISTRATUNANING:**

- Adabiyotshunoslik (ingliz adabiyoti)
- Lingvistika (tillar bo'yicha):
- ingliz tili
- nemis tili
- fransuz tili
- rus tili
- ispan tili
- xitoy tili
- Tarjima nazariyasi va amaliyoti (tillar bo'yicha)
- Jurnalistika (faoliyat turlari bo'yicha)
- Xalqaro jurnalistika (faoliyat turlari bo'yicha)

**MUTAXASSISLIKLANI BO'YICHA QABUL E'LON QILADI.**

**Abituriyentlarning hujjatlari qabul hay'ati tomonidan joriy yilning 20-iyunidan 20-iyuligacha qabul qilinadi.**

**BIZNING MANZILIMIZ:** Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Reshetov ko'chasi, 4-uy. «Paxtakor» metrosidan 35-avtobus, 184-yo'nalishli taksi, «Chilonzor» metrosidan 20-avtobus, 37-yo'nalishli taksi qatnaydi. Telefonlar: (8-371) 243-53-00, 243-35-09, 243-58-82.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 кв.м. бўлган, пишиқ гишдан қурилган уй-жой.  
**Бошланғич нархи — 280 707 000 сўм.**
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 кв.м. бўлган, пишиқ гишдан қурилган уй-жой.  
**Бошланғич нархи — 348 190 000 сўм.**
3. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий майдони

143,33 кв.м. бўлган, пишиқ гишдан қурилган уй-жой.

**Бошланғич нархи — 248 075 000 сўм.**  
Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкilotчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қилиниши сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (8-371) 250-19-24.  
Лицензия: № RR-0017.

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.  
Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўлказиш йўли билан.**

2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

Махсулот сертификатланган.

**Хурматли юртдошлар!**

**«АСАКА» ДАТБ (ОАЖ)**

қуйидаги мақсадларга:

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорликни ва ҳўнармандчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-хўнар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкilot этиш ва ривожлантириш учун

Кредитлар ажратади.

Кредитларни «Асака» банк (ОАЖ)нинг барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

**«Асака» банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари**

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қоракалпоғистон филиали	(8-361) 223-72-59	Сирдарё вилояти филиали	(8-367) 225-28-61
Андижон вилояти филиали	(8-374) 224-56-98	Тошкент вилояти филиали	(8-371) 120-84-04
Асака филиали	(8-374) 233-15-32	Фарғона вилояти филиали	(8-373) 224-72-14
«Фарҳод» филиали	(8-374) 226-96-93	Марғилон филиали	(8-373) 237-60-71
Бухоро вилояти филиали	(8-365) 223-11-15	Олтиарик филиали	(8-373) 432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	(8-365) 770-00-34	Қўқон филиали	(8-373) 552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	(8-375) 221-15-38	Хоразм вилояти филиали	(8-362) 226-96-03
Навоий вилояти филиали	(8-436) 770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	(8-371) 120-83-00
Зарафшон филиали	(8-436) 573-18-82	Автотранспорт филиали	(8-371) 120-39-01
Наманган вилояти филиали	(8-369) 226-91-45	Шайхонтохур филиали	(8-371) 140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	(8-366) 233-63-82	Юнусобод филиали	(8-371) 221-80-67
«Афросиёб» филиали	(8-366) 221-72-68	Сергели филиали	(8-371) 257-44-10
Сурхондарё вилояти филиали	(8-376) 770-82-20	Жиззах вилояти филиали	(8-372) 226-34-90

Хизматлар лицензияланган.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами: (8-371) 120-82-88.

**«Асака» банк (ОАЖ) – обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!**

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Навоий вилояти филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учқудук тумани СИБ томонидан ФИБ Зарафшон судининг 2013 йил 27 февралдаги ижро ҳужжатига асосан хатлаган, Учқудук шаҳри, Амир Темур даҳаси, деҳқон бозори ҳудудидега жойлашган, умумий ер майдони 182,96 кв.м., фойдаланиш майдони 151,91 кв.м. бўлган 7 хонадан иборат 6 та савдо дўкони ва очиқ айвон биноси қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 16 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2013 йил 14 август куни соат 18.00.

Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО 00205, СТИР 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй.  
Тел: (8-436) 224-15-61. [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz)  
Лицензия: RR-0001.

